

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
илова


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ОФТАЛЬМОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**«КЎРУВ НЕРВИ ВА КЎРУВ ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ»  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК БАЁННОМА**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Республика ихтисослаштирилган  
кўз микрохирургияси илмий-амалий**

**тиббиёт маркази  
директори А.Ф.Юсупов**



**«КЎРУВ НЕРВИ ВА КЎРУВ ЙЎЛЛАРИ ҚАСАЛЛИКЛАРИ»  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
МИЛЛИЙ КЛИНИК БАЁННОМА**

**Тошкент – 2025**

**«КЎРУВ НЕРВИ ВА КЎРУВ ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ»  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
МИЛЛИЙ КЛИНИК БАЁННОМА**

**Тошкент – 2025**

## 1. Кириш қисми.

Офтальмопатологиянинг оғир шаклларида бири бу кўрув нерви ва кўрув йўли касалликларидир. Кўз ногиронлиги сабаблари таркибида улар 28% ни ташкил этади. Кўриш функциясининг қайтарилмас бузилишига олиб келадиган кўрув нерви атрофияси, шунингдек, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми орасида касалликларнинг сезиларли даражада тарқалиши ушбу муаммонинг юқори ижтимоий аҳамиятини тушунтиради.

### Ҳалқаро касалликлар таснифи – ҲКТ(МКБ)-10 коди:

<b>Н46-Н48.8 “Кўрув нерви ва кўрув йўллари касалликлари”</b>	
<b>Юқлаб олиш (ҲКК (МКБ)дан ҳавола)</b>	<a href="https://mkb-10.com/index.php?pid=12105">https://mkb-10.com/index.php?pid=12105</a>
<b>Н46</b>	Кўрув нерви неврити
<b>Н47.0</b>	Кўрув нерви касалликлари, бошқа адабиётларда таснифланмаган
<b>Н47.1</b>	Кўрув нерви шиши, сабаби аниқланмаган
<b>Н47.2</b>	Кўрув нерви атрофияси
<b>Н47.3</b>	Кўрув нервининг бошқа касалликлари
<b>Н47.4</b>	Кўрув нерви кесишмаси (хиазма) зарарланиши
<b>Н47.5</b>	Кўрув йўллари бошқа соҳаларининг зарарланиши
<b>Н47.6</b>	Бош мия пўстлоқ қисми кўрув марказининг зарарланиши
<b>Н47.7</b>	Сабаби аниқланмаган кўрув йўллари касалликлари
<b>Н48</b>	Кўрув нерви ва кўрув йўллари касалликлари, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда
<b>Н48.0</b>	Кўрув нерви атрофияси, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда
<b>Н48.1</b>	Ретробульбар неврит, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда
<b>Н48.8</b>	Кўрув нерви ва кўрув йўллари бошқа касалликлари, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда

### Ҳалқаро касалликлар таснифи – ҲКТ(МКБ)-11 коди:

<b>Юқлаб олиш (ҲКК (МКБ)дан ҳавола)</b>	<a href="https://www.vidal.ru/drugs/mkb11-by-letter/09">https://www.vidal.ru/drugs/mkb11-by-letter/09</a>
<b>9C40.10</b>	Кўрув нерви неврити
<b>9C40.1Y</b>	Кўрув нерви касалликлари, бошқа адабиётларда таснифланмаган
	Кўрув нерви шиши, сабаби аниқланмаган
<b>9C40.Z</b>	Кўрув нерви атрофияси
<b>9C40.B</b>	Кўрув нервининг бошқа касалликлари
	Кўрув нерви кесишмаси (хиазма) зарарланиши
<b>9C41</b>	Кўрув йўллари бошқа соҳаларининг зарарланиши
	Бош мия пўстлоқ қисми кўрув марказининг зарарланиши
<b>9C42</b>	Сабаби аниқланмаган кўрув йўллари касалликлари
<b>9C4Z</b>	Кўрув нерви ва кўрув йўллари касалликлари, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда
	Кўрув нерви атрофияси, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда
<b>9C40.10</b>	Ретробульбар неврит, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда
	Кўрув нерви ва кўрув йўллари бошқа касалликлари, бошқа адабиётларда таснифланган касалликларда

**Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:** Баённома 2025 йилда ишлаб чиқилган. Қайта кўриб чиқиш санаси 2029 йил;

**Миллий клиник баённома ишлаб чиқиш учун масъул муассаса:** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази - ТХКМРМ

**Клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқишда ҳисса қўшганлар:**

Жараёни ташкил этиш бўйича офталмология йўналиши бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

<b>1. Камиллов Х.М.</b>	<b>– Ўзбекистон Қаҳрамони, ТХКМРМ офталмология кафедраси мудири, т.ф.д. профессор</b>
<b>2. Касимова М.С.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси профессори, т.ф.д. профессор
<b>3. Хамраева Г.Х.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.д.
<b>4. Норматова Н.М.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.д.
<b>5. Бабаханова Д.М.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.н.
<b>6. Максудова Л.М.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.д.
<b>7. Хакимова З.К.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.н.

**Муаллифлар рўйхати:**

<b>1. Камиллов Х.М.</b>	<b>– Ўзбекистон Қаҳрамони, ТХКМРМ офталмология кафедраси мудири, т.ф.д. профессор</b>
<b>2. Касимова М.С.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси профессори, т.ф.д. профессор
<b>3. Хамраева Г.Х.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.д.
<b>4. Норматова Н.М.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.д.
<b>5. Бабаханова Д.М.</b>	– ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.н.

**Такризчилар:**

<b>Зокирхужаев Р.А.</b>	<b>– ТТА кўз касалликлари кафедраси доценти, т.ф.д.</b>
<b>Бузруков Б.Т.</b>	–ТПТИ офталмология ва болалар офталмологияси кафедраси мудири, т.ф.д., доцент
<b>Бойко Э.В.</b>	Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги, С.Н. Федоров номидаги “Кўз микрохирургияси” Санкт Петербург филиали директори, И.И. Мечников номидаги Шимолий-Шарқий Давлат тиббиёт институти” офталмология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Клиник баённома РИКМИАТМ нинг мажлисида ва Олимлар Кенгашида кўриб чиқилди ва 2025-йил 27-февраль 2-сонли илмий кенгашнинг баённомаси билан тасдиқланди.

**Техник экспертиза ва таҳрирлаш:**

1. ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.д. Максудова Л.М.
2. ТХКМРМ офталмология кафедраси доценти, т.ф.н. Хакимова З.К.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Клиник протоколларнинг қабул қилиниши ва амалиётда қўлланилишини баҳолаш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлашнинг амалий бўғини вакиллари билан биргаликда амалга оширилди.

#### **Амалиётчи шифокорлар:**

1. Камилов Х.М. – ТХКМРМ офтальмология кафедраси мудир;
2. Касимова М.С. – ТХКМРМ офтальмология кафедраси профессори;
3. Бабаханова Д.М. – ТХКМРМ офтальмология кафедраси мудир доценти;
4. Норматова Н.М. – ТХКМРМ офтальмология кафедраси мудир доценти;
5. Хамраева Г.Х. – ТХКМРМ офтальмология кафедраси мудир доценти.

#### **Баённома протоколида фойдаланилган қисқартмалар:**

<b>КНЯК</b>	– кўрув нерви яллиғланиш касалликлари
<b>КНД</b>	– кўрув нерви диски
<b>ЧКП</b>	– чақирилган кўрув потенциаллари
<b>КН</b>	– кўрув нерви
<b>КП</b>	– компьютер периметрия
<b>МРТ</b>	– магнит-резонанс томография
<b>МРТр</b>	– магнит-резонанс трактография
<b>КНН</b>	– кўрув нерви неврити
<b>ОКТ</b>	– оптик когерент томография
<b>КМ</b>	– кўрув майдони
<b>ИД</b>	- ишончилилик даражаси
<b>ОИН</b>	– олдинги ишемик нейропатия
<b>РБН</b>	– ретробульбар неврит
<b>ТС</b>	- таркоқ склероз
<b>ФАГД</b>	– кўз туби флюоресцент ангиографияси
<b>ЭРГ</b>	- электроретинография

#### **Мазкур ташхис/нозология бўйича протоколнинг фойдаланувчилари:**

- 1.Офтальмологлар;
- 2.Терапевтлар;
3. Умумий амалиёт шифокорлари;
4. Тиббиёт олийгоҳлари магистрлари, клиник ординаторлари ва катта курс талабалари;
5. Клиник фармакологлар.

#### **Беморлар тоифаси:**

Кўрув нерви ва кўрув йўллари касалликлари билан хасталанган беморлар

**Диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун далиллар даражасини баҳолаш шкаласи (ДД)**

ДД	Далилларнинг ишончлилиқ даражаси
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, коҳорт тадқиқотлари
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

**Профилактика, терапевтик ва реабилитация тадбирлари учун далиллар даражасини (ДД) баҳолаш учун шкала**

ДД	Далилларнинг ишончлилиқ даражаси
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан коҳортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

**Профилактика, диагностика, терапевтик ва реабилитация тадбирлари бўйича тавсиялар (РТТ) нинг ишончлилиқ даражасини баҳолаш шкаласи**

РТТ	Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси
А	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
В	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
С	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган (кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)

## 2. Асосий қисм.

### 2.1. Кириш:

Офтальмопатологиянинг оғир шаклларида бири бу кўрув нерви ва кўриш йўли касалликларидир. Кўз ногиронлиги сабаблари таркибида улар 28% ни ташкил этади. Кўриш функциясининг қайтарилмас бузилишига олиб келадиган кўрув нерви атрофиясининг юқори даражаси, шунингдек, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми орасида касалликларнинг сезиларли даражада тарқалиши ушбу муаммонинг юқори ижтимоий аҳамиятини тушунтиради. Илмий тадқиқотлар соҳасида кўрув нерви касалликларининг турли босқичлари хусусиятларини аниқлаш, кўрув нервининг яллиғланиши ёки ишемиясининг этиопатогенезини аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш офталмологиянинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

<https://eyepress.ru/article/struktura-patologiy-zritel-nogo-nerva-u-patsientov-glaznoy-kliniki>

### 2.2 Умумий таърифи. Этиология ва патогенез.

**Кўрув нерви неврити** кўриш пастлигининг сабаби бўлиб, ушбу касалликни ўрганиш клиник офталмологиянинг энг муҳим вазифалари қаторига қўяди. Кўриш функцияларининг қайтарилмас бузилишларига олиб келадиган кўрув нерви (КН) қисман атрофиясининг юқори, 21% гача частотаси, шунингдек, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми орасида КН яллиғланиш касалликларининг сезиларли тарқалиши ушбу муаммонинг юқори ижтимоий аҳамиятини тушунтиради. Кўрув нервининг қайси қисми шикастланганига қараб, кўз нервининг яллиғланиши ёки папиллит ва ретробулбар неврит ажратилади.

<https://oftalmologiya.az/journal/articles/2017/23/125-130.pdf>

<https://www.ophtalmojournal.com/opht/article/view/112/103>

**Олд ишемик нейропатия (ОИН)** - бу кўриш функцияларининг тез ва доимий пасайишига, кўрув нервининг тўлиқ ёки қисман атрофиясининг ривожланишига олиб келадиган кўрув нервининг олдинги сегментининг ўткир ишемиясидир.

**Кўрув нерви димланиши** - бу кўрув нерви дискининг яллиғланишсиз шиши. Бу бош суяги суякларидаги ўзгаришлар (масалан, жиддий жароҳатлар билан), краниал бўшлиқдаги ўсмалар, шиш ёки мия шикастланиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган интракраниал босимнинг ошиши белгисидир.

**Кўрув нерви атрофияси** деганда кўрув нерви толаларининг аста-секин халок бўлиши ва унинг бириктирувчи тўқима билан алмашиши тушунилади. Кўрув нерви атрофияси кўриш бузилиши ва кўрликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, барча кўриши заифларнинг 21 фоизини ташкил қилади.

<https://eyepress.ru/chapter/zastoynyy-disk-zritel-nogo-nerva>

### 3) Клиник таснифи (этиологияси ва босқичлари бўйича).

**Клиник кечиши бўйича кўрув нерви невритининг 2 тури мавжуд:**

- интрабульбар (папиллит);

- ретробульбар.

### **Ретробульбар невритнинг зарарланиш соҳаси бўйича:**

- периферик;
- аксиал;
- трансверзал.

**Узунлиги бўйича тасниф:** кўрув нерви неврити, ретробульбар неврит, оптохиазмал лептоменингит.

Кўз туби офтальмоскопик кўриниши бўйича:

1. Ретробульбар неврит
2. Кўрув нерви неврити
3. Нейроретинит
4. Нейроувеит

Яллиғланишнинг этиопатогензига кўра Kale N. ва хаммуаллифлар томонидан куйидаги тасниф ишлаб чиқилган:

1. Демиелинизация сабабли;
2. Параинфекцион: вирус инфекцияси ёки вакцинациядан сўнг;
3. Инфекцион: риноген, «мушук тирнаши» касаллиги, захм, Луме касаллиги, криптококкли менингит, ОИТС ва herpes zoster;
4. Аутоиммун: тизимли аутоиммун касалликлар.

### **Кўрув нерви ишемик ҳолатлари таснифи:**

- Турлари: олдинги ва орқа ишемик нейропатиялар.
- Келиб чиқишига кўра: артериитли, атеросклеротик, гипертоник, диабетик, глаукоматоз, постгеморрагик, посттравматик, идиопатик.
- Шикастланиш характерига кўра: тотал, секторал жараён.
- Кечишига кўра: ўткир, сурункали.
- Босқичларига кўра: преморбид, бошланғич, ривожланган, регрессия босқичи.

### **Кўрув нерви димланиши босқичлари:**

- Бошланғич.
- Ривожланган.
- Яққол ривожланган .
- Атрофияга ўтиш босқичи.
- Кўрув нерви атрофияси.

## **3. Усуллар, ёндашувлар ва ташхислаш жараёнлари**

### **Ташхислаш**

Асосий ва қўшимча диагностика тадбирлари рўйхати:

**Амбулатор шароитида ўтказиладиган асосий (мажбурий) диагностика текширувлари [3,4,5]:**

- визометрия (коррекциясиз ва коррекция билан) (ИД – С)[6] \*;
- авторефрактометрия ёки скиаскопия (ИД – С) [6];
- тонометрия (контактсиз) (ИД – С)[6];
- биомикроскопия (ИД – С)[6];

- офталмоскопия (ИД – С)[6];
- периметрия (ИД – С)[6];

#### **Амбулатор шароитида қўшимча диагностика текширувлари:**

- Кўз олмасининг ултратовуш текшируви (ИД – С)[6];
- МРТ ва орбитал соҳанинг КТ (ИД – С)[6]\*;
- Резе усули бўйича орбита рентгенографияси \*

Касалхонага режали ётқишиш учун юборилганда ўтказилиши керак бўлган текширувларнинг минимал рўйхати: соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатли органнинг амалдаги буйруғини ҳисобга олган ҳолда шифохонанинг ички қоидаларига мувофиқ ўтказилиши керак.

#### **Шошилиш касалхонага ётқишиш пайтида касалхона даражасида ўтказиладиган асосий (мажбурий) диагностика текширувлари:**

- визометрия (коррекциясиз ва коррекция билан) (ИД – С)[6] \*;
- авторефрактометрия ёки скиаскопия (ИД – С) [6];
- тонометрия (контактсиз) (ИД – С) [6];
- ранг ажратиши текшириш; [С]
- қорачиқ реакцияларини аниқлаш; [С]
- кинетик периметрия; [С]
- компьютер периметрия; [С]
- биомикроскопия (ИД – С) [6];
- офтальмоскопия (ИД – С) [6];

#### **Касалхона даражасида ўтказиладиган қўшимча текширув усуллари:**

- УҚТ; [С]
- УСТ; [С]
- Қон биохимик таҳлили (глюкоза, умумий билирубин, умумий оқсил, АСТ, АЛТ) [С];
- Қонни ВИЧ, HBs-Ag, анти-HCV, Treponema pallidumга нисбатан антитаналарни текшириш [С];
- Қонни оддий герпес вирусга (ОГВ), цитомегаловирус (ЦМВ), токсоплазмозга ИФА текшируви [С];
- Ревмосинамалар [С];
- Кўкрак қафаси рентгенографияси; [С]
- Бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографияси; [С]
- Кўз олмаси ултратовуш текшируви; [С]
- оптик когерент томография; [С]
- кўз туби флюоресцент ангиографияси; [С]
- электрофизиологик текширувлар (чақирилган кўрув потенциаллари, ЭРГ); [С]
- бош мия МРТси; [С]
- орбита МРТси; [С]
- МР – тракторграфия [С].

**Ташхис қўйиш мезонлари [8, 12,13,14]:**

## Шикояти ва анамнез

**Шикояти:** (ИД – С) [5].

- Кўриш ўткирлигининг пасайиши ёки йўқолиши (кўз олдида туман, доғ);
- Кўрув майдони торайиши, кўрув майдонидаги ўзгаришлар;
- Ранг ажратишни пасайиши;
- Кўзни ҳаракатланганда оғрик.

**Анамнез:** бемор ёши, зарарланиш бир ёки икки томонлама эканлиги, тизимли ёки локал касалликларнинг мавжудлиги.

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5)

## Физикал текширувлар.

Кўп ҳолатларда ташқи кўрикда ўзгариш аниқланмайди. Ретробульбар невритда экзофтальм, кўз олмаси ҳаракатини чекланиши, нистагм, юз нерви зарарланиши белгилари бўлиши мумкин. (ИД – С) [5].

## Инструментал ташхислаш

**1. Визометрия** – кўриш ўткирлигини текшириш мақсадида (ретробульбар невритда: периферик турида – марказий кўриш ўзгармайди; аксиал шаклида – марказий кўриш бирдан пасайиб кетади; трансверзал шаклида – кўриш ўткирлиги ёруғлик сезишгача пасаяди ва хатто умуман кўриш йўқолиши мумкин). Визометрия ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

**2. Ранг сезгирлигини текшириш (Рабкин жадваллари ёрдамида)** - ранг ажратиш бузилишларини аниқлаш мақсадида. Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

**3. Қорачиқни ёруғликка тўғри ва ҳамкор реакциясини текшириш** – кўрув йўллари марказий қисмлари зарарланишини истисно қилиш мақсадида. Ўткир невритда одатда реакция бузилмайди, КНД қисман атрофиясида зарарланган томонда афферент қорачиқ дефекти кузатилиши мумкин. Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

**4. Визоконтрастометрия** – кўрув майдонидаги минимал контрастни ажрата олиш қобилиятини текшириш. Ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

**5. Кинетик периметрия** – марказий ва парацентрал скотомаларни, кўрув майдонини 20-40° га концентрик торайишини аниқлаш мақсадида. Неврит учун хос белги - кўрув майдонини рангларга концентрик торайиши. Ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

**6. Рефракцияни текшириш.** Очик бурчакли глаукома (миопияда) ёки ёпик бурчакли глаукомани (гиперметропияда) бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида, ҳамда периметрияни бажариш учун рефракция аномалиясини нейтраллаш

- мақсадида ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 7. Тонометрия** - ёндош глаукома касаллиги бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида КИБни ўлчаш ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 8. Биомикроскопия** – кўз олдинги қисми патологиясини инкор қилиш мақсадида ўтказилади. Кўзнинг олдинги қисми биомикроскопияси ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 9. Компьютер периметрия** - кўрув майдонидаги скотомаларнинг сони ва сифатини аниқлаш мақсадида; Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 10. Офтальмоскопия** – невритни ташхислашнинг асосий усули. Интрабульбар невритда КНД шиши, гиперемияси, чегараси ноаниқ, шишасимон танага проминенцияси кузатилади. Қон томир тутамини экссудат билан тўлиши, диск устида қон қуйилиши кузатилиши мумкин, артерия ва веналар кенгаяди. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 11. Кўз олмаси ультратовуш текшируви** - шишасимон танадаги ўзгаришларни, кўрув нерви орбитал қисми шишини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 12. Оптик когерент томография** – КНД ва макуляр соҳада шиш даражаси ва мураккаб ҳолатларда КНД толалари шиши ёки атрофиясини таққослама ташхислаш мақсадида қўлланилади. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 13. Кўз туби флюоресцент ангиографияси** – неврит ва олдинги ишемик нейропатияни таққослама ташхислаш мақсадида. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 14. Электрофизиологик текширувлар** (чакирилган кўрув потенциаллари, КЧСМ, ЭРГ) – кўрув нерви ва йўллари шикастланиш даражаси ва кўрув фаолиятини башоратлаш мақсадида. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 15. Бош мия МРТ** – КНН сабабини аниқлаш мақсадида: бош мия яллиғланиш касалликлари (менингит, энцефалит, бош мия абсцесси, нейроинфекциялар), ноинфекцион касалликлар (тарқоқ склероз). Ҳамма беморларга тавсия этилади. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 16. Орбита МРТ** – КН орбитал қисми шиши ёки эзилишини аниқлаш мақсадида. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг ишончилилик даражаси – 5).
- 17. Кўкрак қафаси рентгенографияси** невритга олиб келувчи сил касаллигини ташхислаш мақсадида. Тавсияларнинг ишончилилик даражаси С (Далилларнинг

ишончлилик даражаси – 5).

**18. МР-трактография** – кўрув йўлларида яллиғланиш жараёнини тарқалганлигини аниқлаш мақсадида (кўрув йўллари, кўрув ёйи). Тавсияларнинг ишончлилик даражаси С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

**19. Бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографияси** - невритга олиб келувчи яллиғланиш жараёнларини аниқлаш мақсадида. Тавсияларнинг ишончлилик даражаси С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

**2) текширувларга моёнеликлар** – йўқ.

**3) текширувга кўрсатмалар:** кўрув нерви ва кўрув йўллари яллиғланиш ва ишемик касалликлари.

**4) Мутахассисларнинг консултатив кўруви учун кўрсатмалар:**

**терапевт маслаҳати** - умумий ҳолатдаги моёнеликларни истисно қилиш учун.

**невропатолог маслаҳати** – марказий нерв тизимининг демиелинизацияловчи касалликларини истисно қилиш, ҳамда кўрув йўллари зарарланишини топик ташхислаш мақсадида.

**нейрохирург маслаҳати** – бош мия ичи гипертензияси ва бош мия йирик ўсмаларига хос белгиларни аниқлаш мақсадида;

**ревматолог маслаҳати** – тизимли васкулитларга хос белгилар бўлганда;

**эндокринолог маслаҳати** – қандли диабет ёки эндокрин тизимни бошқа касалликларида;


**гематолог маслаҳати** – қон касалликларига шубҳа бўлганда;

**инфекционист маслаҳати** - вирус этиологияли васкулитга шубҳа бўлганда.

**ЛОР маслаҳати** – маҳаллий ўткир инфекцияни истисно қилиш учун;

**стоматолог маслаҳати** - маҳаллий ўткир инфекцияни истисно қилиш учун;

## Кўрув нерви невритини ташхислаш алгоритми



### Кўрув нерви касалликларини таққослама ташхислаш

Ташхис	Таққослама ташхислаш мезонлари	Текширувлар	Ташхисни истесно қилувчи мезонлар
<b>Кўрув нерви димланиши</b>	Кўрув ўткирлигини пасайишига шикоят қилади, офтальмоскопияда – кўрув нерви гиперемияси ва шиши, чегаралари ноаниқ.	Анамнез, офтальмоскопия, периметрия, флюоресцент ангиография	Жараён икки томонлама, Бош оғриғи, кўнгил айнаш, қусиш, брадикардия (бош ички босимининг ошиши белгилари). Кўп холларда кўрув нерви димланиши сабаблари: ўсмалар, кисталар, абсцесс, жарохатлар. Кўрув ўткирлиги узок вақт юқори бўлади (3 чи босқичгача). Периметрия: кўр доғнинг кенгайиши, енгил концентрик торайиш.

<b>Олдинги ишемик нейропатия</b>	Ўткир ва кескин кўрув ўткирлигини пасайиб кетиши, КНД атрофияси тез ривожланади. Кўпинча бир томонлама кузатилади. офтальмоскопияда КНД оқариши ва шиши, чегаралари ноаниқ	Анамнез, Офтальмоскопия, периметрия, флюоресцент ангиография	Жараённинг ўткир бошланиши, кўпроқ 50 ёшдан сўнг. Анамнезида – гипертония касаллиги, чакка артериити, қандли диабет. Офтальмоскопияда кўрув нерви оқариши ва шиши, чегаралари ноаниқ. Периметрияда – кўрув майдони пастки қисмини кўрмай қолиши. ФАГДда касалликнинг бошланғич даврида хориоидея перипапилляр гипофлюоресценцияси аниқланади.
<b>Кўрув нерви диски васкулити</b>	Жараённинг ўткир бошланиши. кўрув ўткирлигини 0,6-0,8 га пасайиши. Офтальмоскопияда-КНД гиперемияси ва шиши, чегаралари ноаниқ, перипапилляр шиш аниқланади.	Анамнез, периметрия, офтальмоскопия, флюоресцент ангиография	ФАГДда – ўткир босқичида артериал фазада артериялар нормал тўлади, капиллярлар кенгайган, микроаневризмалар пайдо бўлади. Перипапилляр радиал қон қуйилишлар, интратетинал қон томирлар тутами кенгайган. Артериовеноз фаза 3-5 сек.дан сўнг кузатилади. Кечки фазада – катталашган КНД нинг гиперфлюоресценцияси кузатилади.
<b>Метил алкоғолли интоксикацияда кўрув нерви токсик шикастланиши</b>	Ўткир ва кескин марказий кўрув ўткирлигини пасайиб кетиши. Офтальмоскопияда – КНД ўзгармаган. 4-5 хафтадан сўнг КНД деколорацияси ривожланади.	Анамнез, Биомикроскопия, Офтальмоскопия	Анамнезида - метил спиртини истеъмол қилиш. Умумий интоксикация белгилари намоён бўлади: бош оғриғи, кўнгил айнаш, қусиш, ошқозон ичак бузилишлари, кома. Қорачиқлар кенг, ёруғликка реакцияси йўқ.

#### 4. Амбулатор шароитда олиб бориш тактикаси:

##### 4.1. Дори моддаларсиз даволаш :

Режим - III; Диета - № 15.

##### 4.2. Дори-дармонлар билан даволаш:

[http://www.dari.kz/category/search\\_prep](http://www.dari.kz/category/search_prep)

Даволаш мақсади:

- кўрув функцияларини кўтариш/барқарорлаштириш.

*Даволаш тактикаси:* [8-11, 14,15]

**Медикаментоз даволаш** (касаллик оғирлигига кўра):

- Антибактериал даво - бактериал / идиопатик невритларда кенг кўламга эга антибиотиклар буюрилади;
- Глюкокортикостероидлар - кучли яллиғланишга, шишга, аллергияга қарши, иммуномодулловчи восита сифатида қўлланилади;
- Диуретиклар кўрув нерви шишини камайтириш мақсадида қўлланилади;
- Антигистамин препаратлар аллергия реакцияларни профилактикаси ва пасайтириш мақсадида қўлланилади;
- Дезинтоксикацион терапия – яллиғланиш ёки дори воситалар туфайли келиб чикувчи интоксикацияни камайтириш мақсадида қўлланилади.

**Асосий дори воситалар рўйхати:**

**Антибактериал кўз томчилари** (ушбу дорилардан 1 тасини қўланг):

- левофлоксацин 0,5% 1-2 томчидан конъюнктура халтачасига (ИД - В), кўз олмаси ва орбитада иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун;

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=levofloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- ципрофлоксациннинг 0,3% эритмаси 1-2 томчидан конъюнктура халтачасига (ИД - В), кўз олмаси ва орбитада иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун;

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=ciprofloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- моксифлоксацин 0,5%, 1 томчидан конъюнктура халтачасига (ИД - А), иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=moxifloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Антибиотиклар умумий:**

**Цефалоспоринолар:**

- Цефтазидим 0,5г, 1,0 г, 2,0 г кунига 1-2 махал мушак орасига ёки вена ичига, 10 - 14 кун, [А] ёки 1 мл пара-, ретробульбар кунига 1 махал 10 кун [А]

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=ceftazidime&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- Цефиксим, перорал кунига 200- 400 мг, 5-7 кун [А] ёки

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=cefixime&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Пенициллинолар:**

- Ампициллин, перорал 250-500 мг кунига 4 махал, 7-14 кун, [А] ёки

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=ampicillin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Фторхинолонолар:**

- офлоксацин 200-400мг, кунига 1-2 махал 5-7 кун [А] ёки

<https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=ofloxacin&t=1>

- левофлоксацин 500мг, кунига 1 махал 5-7 кун [А].

<https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=levofloxacin&t=1>

### **Глюкокортикостероидлар:**

- метилпреднизолон, пульс-терапия мақсадида 0,5-1,0 г вена ичига кунига 1 махал 3-5 кун, сўнг перорал ГКС ларга ўтиш; [B] Тизимли фойдаланилганда яллиғланишга қарши, аллергияга қарши, десенсибилизация қилувчи, шокга қарши, токсик ва иммуносупрессив таъсирга эга (ИД – С) [6];

ёки <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=methylprednisolone&t=1>

- дексаметазон, пара-, ретробульбар 1,0 мл кунига 1 махал, 10 кун; [B]

ёки <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=dexamethasone&t=1>

- преднизолон, перорал 5мг кунига 4-6 махал, 5 кун. Сўнг дозани камайтириб бориш; [B] ёки <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=prednisolone&t=1>

<https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=prednisolone&t=1>

- бетаметазон, пара-, ретробульбар 1,0 мл кунига 1 махал 7-10 кунда 1 марта. [B]

<https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=betamethasone&t=1>

**Яллиғланишга қарши кўз томчилари** (глюкокортикостероидлар ва/ёки НЯҚВлар, улардан 1 таси қўлланилади):

- дексаметазон 0,1% дан кунига 4-6 марта 9 кун (қасалхонада), 1 ой (мустақил равишда) (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун; <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=dexamethasone&t=1>

<https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=dexamethasone&t=1>

- диклофенак натрийнинг 0,1% эритмаси, 1 томчидан кунига 3-4 марта (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=diclofenac&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Комбинацияланган дорилар** (ушбу дорилардан 1 таси қўлланилади):

- моксифлоксацин + дексаметазон конъюнктива халтачасига кунига 4 марта (ИД-В), иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=moxifloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Ностероид яллиғланишга қарши воситалар** (бу дориларнинг 1 таси қўлланилади):

- диклофенак натрий 50 мг дан кунига 2-3 марта овқатдан олдин (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун;

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=diclofenac&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- дексаметазон натрий фосфат 0,4% эритмаси парабульбар 0,5 мл ҳар куни ёки кун ора (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=naproxen&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- индометацин, перорал 25 мг кунига 2-4 махал 5 кун, [C]

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=indometacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- мелоксикам, перорал 15 мг кунига 1 махал 5 кун, [C] ёки 15 мг 1 махал мушак орасига, 3-7 кун, [C]

<https://www.cochranelibrary.com/advanced->

[search?q=meloxicam&t=1](https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=meloxicam&t=1)

#### **Н1-рецепторлари блокаторлари:**

- дифенгидрамин таблеткалари, кукунлари ва инъекциялари десенсибилизация қилувчи терапия учун. <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=diphenhydramine&t=1>

#### **Ангиопротекторлар:**

- натрий этамзилат 12,5% 2 мл эритмаси - парабульбар 0,5 мл (ИД-С), антигеморрагик терапия учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=etamsylate&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

#### **Диуретиклар:**

- ацетазоламид (диакарб) 250 мг 1/2 таб. 2 маҳал 3 кун (ИД-С), шишга қарши терапия учун. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=etamsylate&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- фуросемид 10 мг/2 мл эритмаси - мушак ичига ва томир ичига (ИД-С), шишга қарши терапия учун. <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=furosemide&t=1>

**Даволашнинг бошқа турлари:** йўқ.

#### **Стационар шароитда даволаш тактикаси:**

*Дори моддаларсиз даволаш :*

Режим - III; Диета - № 15.

*Дори-дармонлар билан даволаш:*

**Антибактериал кўз томчилари** (ушбу дорилардан 1 тасини қўлланг):

- левофлоксацин 0,5% 1-2 томчидан конъюнктура халтачасига (ИД - В), кўз олмаси ва орбитада иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун; <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=levofloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- ципрофлоксациннинг 0,3% эритмаси 1-2 томчидан конъюнктура халтачасига (ИД - В), кўз олмаси ва орбитада иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун;

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=ciprofloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- моксифлоксацин 0,5%, 1 томчидан конъюнктура халтачасига (ИД - А), иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=moxifloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

#### **Антибиотиклар умумий:**

##### **Цефалоспориинлар:**

- Цефтазидим 0,5г, 1,0 г, 2,0 г кунига 1-2 маҳал мушак орасига ёки вена ичига, 10 - 14 кун, [А] ёки 1 мл пара-, ретробульбар кунига 1 маҳал 10 кун [А]

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=ceftazidime&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- Цефиксим, перорал кунига 200- 400 мг, 5-7 кун [А] ёки <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=cefixime&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

#### **Пенициллинлар:**

- Ампициллин, перорал 250-500 мг кунига 4 махал, 7-14 кун, [А] ёки <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=ampicillin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

#### **Фторхинолонлар:**

- офлоксацин 200-400мг, кунига 1-2 махал 5-7 кун [А] ёки <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=ofloxacin&t=1>

- левофлоксацин 500мг, кунига 1 махал 5-7 кун [А]. <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=levofloxacin&t=1>

#### **Глюкокортикостероидлар:**

- метилпреднизолон, пульс-терапия мақсадида 0,5-1,0 г вена ичига кунига 1 махал 3-5 кун, сўнг перорал ГКС ларга ўтиш; [В] Тизимли фойдаланилганда яллиғланишга қарши, аллергияга қарши, десенсибилизация қилувчи, шокга қарши, токсик ва иммуносупрессив таъсирга эга (ИД – С) [6]; ёки <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=methylprednisolone&t=1>

- дексаметазон, пара-, ретробульбар 1,0 мл кунига 1 махал, 10 кун; [В] <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=dexamethasone&t=1>

ёки

- преднизолон, перорал 5мг кунига 4-6 махал, 5 кун. Сўнг дозани камайтириб бориш; [В] <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=prednisolone&t=1>

ёки

- бетаметазон, пара-, ретробульбар 1,0 мл кунига 1 махал 7-10 кунда 1 марта. [В] <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=betamethasone&t=1>

**Яллиғланишга қарши кўз томчилари** (глюкокортикостероидлар ва/ёки НЯҚВлар, улардан 1 таси қўлланилади):

- дексаметазон 0,1% дан кунига 4-6 марта 9 кун (касалхонада), 1 ой (мустақил равишда) (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун; <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=dexamethasone&t=1>

- диклофенак натрийнинг 0,1% эритмаси, 1 томчидан кунига 3-4 марта (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=diclofenac&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Комбинацияланган дорилар** (ушбу дорилардан 1 таси қўлланилади):

- моксифлоксацин + дексаметазон конъюнктива халтачасига кунига 4 марта (ИД-В), иккиламчи бактериал флора ривожланишининг олдини олиш учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=moxifloxacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Ностероид яллиғланишга қарши воситалар** (бу дориларнинг 1 таси қўлланилади):

- диклофенак натрий 50 мг дан кунига 2-3 марта овқатдан олдин (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун;

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=diclofenac&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- дексаметазон натрий фосфат 0,4% эритмаси парабульбар 0,5 мл ҳар куни ёки кун ора (ИД - С), кўрув нервида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига йўл қўймаслик учун. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=naproxen&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- индометацин, перорал 25 мг кунига 2-4 маҳал 5 кун, [С] <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=indometacin&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- мелоксикам, перорал 15 мг кунига 1 маҳал 5 кун, [С] ёки 15 мг 1 маҳал мушак орасига, 3-7 кун, [С]

<https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=meloxicam&t=1>

**Антигистамин препаратлар:**

- дифенгидрамин таблеткалари, кукунлари ва инъекциялари десенсибилизация қилувчи терапия учун. <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=diphenhydramine&t=1>

**Ангиопротекторлар:**

- натрий этамзилат 12,5% 2 мл эритмаси - парабульбар 0,5 мл (ИД-С), антигеморрагик терапия учун.

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=etamsylate&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

**Диуретиклар:**

- ацетазоламид (дикарб) 250 мг 1 таб. 1 маҳал 3 кун (ИД-С), шишга қарши терапия учун. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=etamsylate&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- фуросемид 10 мг/2 мл эритмаси - мушак ичига ва томир ичига (ИД-С), шишга қарши терапия учун. <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=furosemide&t=1>

**Қўшимча дори воситалар таснифи.**

**Бошқа синтетик антибактериал воситалар:**

- Метронидазол - катталар ва 12 ёшдан катта болаларга 500- 1000 мг (100-200 мг) вена ичига томчилаб (5 мл/мин), кунига 1-2 маҳал, ҳар куни, 3-5 кун. 12 ёшдан кичик болаларга метронидазол –7,5 мг/кг тана вазнига нисбатан венага томчилаб, 5 мл/мин тезлик билан, 3-5 кун. [С] <https://www.cochranelibrary.com/advanced-search?q=metronidazole&t=1>

### **Вирусга қарши воситалар:**

-Ацикловир ёки зовиракс перорал 200, 400, 800 мг кунига 5 махал, 5-7 кун,  
<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=aciclovir&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

- Гиповин 1 таб 2 махал 6 кун [A]  
<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/?term=aciclovir&filter=pubt.meta-analysis&filter=pubt.randomizedcontrolledtrial>

### **Замбуруғга қарши воситалар:**

-Флуконазол 150 мг, перорал 1 хафтада 1 марта [C]  
